

REZYUME

Maqolada she'riyatda dialog tabiati, badiiy nutqda aniqlik va siriqlikni ta'minlashi, munozara va munosabat bir-biriga o'tib turishi, tagmatda ifoda ijodiy mustaqilligi nazariy umumlashtiriladi. Unda rivojga texnikasi hamda vaziyat aloqadorligi, poetik talqin konsepsiyasida mulohaza maqomi, tasvir ruhiyati shakllanishida nominativ, semiotik va kommunikativ vazifadoshlik hamda uslubiy tafvutlanish xususida mushohada yuritiladi.

РЕЗЮМЕ

В статье теоретически обобщается природа диалога в стихах, обеспечение ясности и лаконичности художественной речи, взаимозависимость дискуссии и мироощущения, творческая независимость выражения в контексте. Наблюдается связь между техникой повествования и ситуацией, статус общения в концепции поэтического толкования, номинативная, семиотическая и коммуникативная функции в формировании психики образа, а также методологические различия.

SUMMARY

The article theoretically generalizes the nature of dialogue in poetry, the provision of clarity and conciseness in artistic speech, the interdependence of debate and attitude, the creative independence of expression in the context. It observes the connection between the technique of narration and the situation, the status of communication in the concept of poetic interpretation, nominative, semiotic and communicative functions in the formation of the image psyche, as well as methodological differences.

СИРОЖИДДИН САЙИД ҲАЖВИЯЛАРИ

А.Э.Пиримкулов – филология фанлари номзоди

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Таянч сўзлар: синтез, сатира, сюжет, мажоз, феномен, мотив, поэтика, образ, қаҳрамон, пафос.

Ключевые слова: синтез, сатира, сюжет, аллегория, феномен, мотив, поэтика, образ, герой, пафос.

Key words: synthesis, satire, plot, allegory, phenomenon, motive, poetics, image, hero, pathos.

Гап ҳозирги ўзбек ҳажвий лирикаси ҳақида борар экан, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ижодига ҳам бир қур назар ташлашимизга эҳтиёж бор. Боиси, Сирожиддин Саййид ҳам қулги санъатини, унинг турли туман даражаларини намоён этишда ўзига хос намуна кўрсатган. Шоир етук ва баркамол асарлар яратишда икки устунга таянади. Бири – мумтоз шоирлар мероси, иккинчиси замондош устоз шоирлар ижоди. Қисқаси, шоир нафақат ўзбек адабиёти балки қўҳна шарқ ва ғарб адабиёти анъаналарини пухта ўзлаштиргани учун ўзи ҳам умрбоқий асарлар яратишга жазм этади. Бу фикрни унинг сатирик асарларига нисбатан ҳам бемалол айта оламиз. Ижодда билим ва савия жуда зарур унсур. Бироқ бу етарли эмас. Шоирда ўзига яраша талант, қувваи ҳофиза бўлмаса, у ўқувчининг юрагини ларзага соладиган асар яратолмайди. Сирожиддин Саййидда ана шу нозик белги ва хусусиятлар мавжуд бўлгани боис адабиёт оламида мангу яшаб қоладиган асарлар яратишга эришган:

Ғанимлар сен билан бизни ҳали йиллаб гапиргайлар,

Кезармиз ортимиздан соялар йўллаб гапиргайлар.

Ғазалда ғийбат ва ғийбатчилик қораланмоқда. Ўзининг ва у ҳақда ижобий фикр айтганларнинг, масалан, танқидчиларнинг ғийбатига нишон бўлиши, энг ёмони бу каби иғво йиллаб давом этишини кескин фош этан. Аммо медалнинг ортига назар солсак, бу ерда яхши маънодаги ғийбат – фахрия борлигини сезиш қийин эмас. Ғанимлар-ку ғийбат қилар, дўстлар-чи? Улар ҳам бизни йиллаб сўзлашлари мумкин-ку. Хуллас, коса остида нимкоса йўқ эмас.

Давримиз ҳажвчилигида Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов “Матмуса” туркумини, А.Орипов қатор зиёлийларнинг сатирик образини, Анвар Обиджон Кулкул афанди ва Уста Гулмат образини яратган бўлса, С.Саййид “бозор ижодиёти” туркумини, шунингдек “Рўзгор битиклари” сериясини кашф этди. Мазкур туркумлар ўтган аср 90-йилларида илдиз отган ва ҳали хануз давом этиб келмоқда.

Шоирнинг “Бозор ижодиёти” туркумидан ўрин олган қатор шеърларида турмушимизда жуда кўп учрайдиган, бироқ ҳадеганда унчалик эътибор берилмайдиган қусурларимизни шоир енгилгина юмор тиги билан фош этганини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, сатира устасининг “Китоб олинг” номли ҳажвиясида автор чўнтаги пулга тўлган айрим тадбиркорларнинг китоб ўқишга ҳафсала қилмаслиги, фалон сўмга иморат қуриб, куёвига охири русумдаги

автомобилни совға қилган бойвачча умрида бир донга китоб харид қилмаслиги, бу қусур фарзанд ва набиралари тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кескин фош этади:

Ўрикзордан қошин олинг,

Сирғалидан мошин олинг,

Жаҳолатнинг бошин олинг,

Биттагина китоб олинг.

Инобатга олиш лозимки, шоирнинг сатирик ва юмористик асарлари фақат шу туркумга кирган шеърлар билан чегараланмайди. С.Саййиднинг яна шундай қулги элементлари билан сўғорилган асарлари ҳам борки, улар ҳам қундалик турмушимиздаги иллатларни фош этиши жиҳатдан махсус туркумга кирган қатор асарлари сира қолишмайди. Афтидан, шоир истиклол йилларида ёзилган хангомаларини шартли йўсинда юқоридагидек туркумларга ажратган кўринади. Шоирнинг ҳажвий ғазалларини ўқиганда, унда классик оҳанглар садоси аниқ эшитилди. Масалан, “Ўлдиргуси” радибли ғазал мумтоз адабиётда жуда кўп учрайди. Сирожиддин Саййид эса шундай радиф билан ҳажвий ғазал ёзишга журъат қилган:

Охир мени бу шаҳарнинг дўндиқлари ўлдиргуси,

Дўндиқларининг қўл, оёқ, қўлдиқлари ўлдиргуси.

Ғазалда баъзи қизлармизнинг елкаси очик юриши, йиртиқ жинси кийиши, билақларини татиуровка қилиши, кўчадан бери келмаслиги, хуллас, беҳаёлиги танқид остига олинган.

С.Саййид ҳажвий ғазалларда кўпроқ XIX аср Қўқон адабий муҳити намояндаларининг ғазалчилик мактабидан улги олганини сезиш қийин эмас. Масалан, “Жўралар” ғазали Муқимийнинг “Навбахор”, “Ахтарайлик” ғазали Фурқатнинг шу номдаги, “Бўл” радибли ғазали эса Завкийнинг машҳур “Бойи бўл, баззози бўл” номли ғазалига татаббўи шаклида ёзилган. Тафовут буки, салафлар табиат ё ишқий йўналишда ғазал битганлар. С.Саййид эса ўша вазн ва радифни асос сифатида қабул қилади ва мавжуд одамшарчилик иллат ва қусурларини фош этувчи ҳажвий ғазал битади. Шунингдек, шоирнинг “Чумолига ҳазил” шеърда Э.Воҳидовнинг, “Толиб Йўлдош хангомаси” асарида эса А.Орипов сатирик ижод мактабининг таъсири кўзга яққол ташланади. Шоир иқрорича, хангомани оғзаки йўсинда ўтган аср 80-йилларида устоз шоир Толиб Йўлдошнинг ўзи айтиб берган экан. Ана шу воқеа кейинчалик гўзал бир сатирик шеърнинг яратилишига туртки берган. Алқисса, Толиб Йўлдошнинг бир эшаги бўлиб, у ҳам ўз аравасини, ҳам

эгасининг рўзгор отли аравасини тортади. Толиб Йўлдош эрта сахардан шу эшак аравада далага кетади. Туш вақти ва кечда уйга қайтади. Ажабки, эшакка икки марта емиш беради. Тушда ва кечда. Эшак туш пайти эгаси билан уйга қайтар экан, маҳалла кўчасига бурилиши билан уввос солиб ханграб юборади. Бу ҳол ҳар кун икки марта – туш чоғи ва шом пайти рўй беради. Қарангки, маҳалла аҳли – “қосиблару хаттотлар, фабрикаю заводлар” мана шу эшак овозидан абед бўлганини ва кеч маҳали шом кирганини билишади. Хуллас, эшак кишлоқ аҳли учун сигнал – соат вазифасини ўтайди. Аммо шоир шу маълумотни бизга етказиш учун ғоғоз қораламаган. Асл мақсадни куйирокда билиб оламиз. Ҳозир шеър давомидан бир парча ўкиб кўрайлик:

*Умр – ташиши, ғалвалардан
Чувалашган калава.
Шоир ўй суриб борар
Ғичирлайди арава.*

Эшак қора меҳнатга гирифтор, бундан у заррача хафа эмас. Аммо рўзгор отли аравани эшак арава билан бақамти олиб бориш – бу энди оғир юмуш. Шунинг учун ҳам шоир Толиб Йўлдош “ўй суради”. У ўй сурганда эшакнинг эмас, балки ўзининг муаммоларини, рўзгорнинг кам-кўстини тўлдириш ташвиши билан кўпроқ хаёл суради:

*Инсон гарчи олам гули
Бу ҳаётнинг нақшидир.
Аммо мингта нокасдан гоҳ,
Битта эшак яхшидир.*

Демак, С.Саййиднинг асардан кўзлаган биринчи мақсади шу жойда ойдинлашади – Минг нокасдан бир эшак яхши. Оғир гап, ўқувчи учун ниҳоятда жиддий хулоса.

Эшакнинг яхшилигини билдирувчи сифатлар бисёр. Аввало у рўзгор дастёри. Даланинг ишиниям қилади, кеч чоғ бошқа молларга ўт, пичан келтиради. Иккинчидан, элу халқни тушлик ва шом чоғидан ўз вақтида хабардор қилади. Учинчидан, тамагир эмас. Далада янтоқ, уйда эса ем ейди. Эшакни макташга етарли асос кўп: ичмайди, чекмайди, ўғирлик қилмайди, алдамайди ва ҳоказо. Одам-чи? Ана шоирнинг оғриқли саволи – шу.

Оҳ! Одамзод қилган гуноҳни эшакка юкласа, ишонаверинг, у эшак майиб бўлади.

Асарда эшакнинг ўз вақтида хабар беришини ёзган шоир энди шоирларнинг ўз вақтида бонг уришлари зарурлигидан фалсафа сўқийди:

*Жом айлабон қалбларини,
Дил қонини – чоғирлар,
Ўз вақтида кулсинлар ҳам
Йиғласинлар шоирлар.*

Шоирларнинг ўз вақтида кулиши ва йиғлашини огоҳлантириш – бу шоирнинг асардан кутган иккинчи мақсади. Унга мана бу ҳам илова этилган:

*Сўз мулкида кимлар кулба,
Кимлар қурмиш қасрлар.
Адабиёт араваси
Ғичирлар минг асрлар.*

Кўринадики, шоир “арава”га учта ғоявий-эстетик мақсад илдиради. 1.Эшак араваси. 2.Рўзгор араваси ва 3.Адабиёт араваси. Дастлабки арава ўз маъносидан, кейинги иккитаси рамзий хусусиятга эга. Шоирнинг етакчи ғояси “адабиёт араваси”га юкланган. Бу арава минг йилларким, тинмай, ғичирлаб айланади. Ҳозир эса буни етаклаш замондош шоир (ёзувчи)лар зиммасида. Улар ўз вақтида “бонг” уришлари лозим.

С.Саййиднинг “Чумолига ҳазил” шеъри ҳам роса антика. Шоир уни талабалик даврини соғиниб ёзган кўринади. Бунинг ҳам Толиб Йўлдош эшаги сингари ҳаётий асоси бор. Хуллас, шоирнинг талабалик дамларида кишлоқдан бандероль – бир тугун келади.

Унда онаси ёлган кулчалар, туршак, майиз ва бошқа шунга ўхшаш егулик. Мундоқ қараса, тугун ичида бир чумоли ҳам юрибди. Манзилдан адашган. Бу шоирни озгина гангитиб қўяди:

*Зерикдингми турмушингдан,
Қочдингми ё юмушингдан.
Бўйнимда жонинг уволди,
Тошкентга келган чумоли.*

Шоир Сурхондарёнинг Узун деган кишлоғидан тасодифан келган чумоли тимсолида адашган инсон қисматини тасаввур қилади. Шоир ўйлаб, ўйлаб уни яна кишлоққа қайтариш лозим деган хулосага келади. Хангома структураси жуда пишиқ ишланган. Шоир эътиборидан чумолининг кишлоқдаги қавми ҳам четда қолмайди. Ўз олдига “сени йўқотиб уларнинг аҳволи нима кечди экан?”, – деган саволни кўндаланг қўяди. Ва ниҳоят чумолини жиянининг тўрвасига солиб, ортига қайтаришга қарор беради.

Бир чумолига шунча ғамхўрлик қилиш нимага керак, – деб хайрон қолманг. Шоир чумоли образида, боя айтганимиздек, инсон қисматини зухур этган. Рост-да, одам ҳам чумоли каби жонивор. Эмасми? Уям тинмайди, буям. У ҳам уйига ташийди, буям инига судрайди. Асарни ўкиб, ҳозирги замонда насиба излаб чет элларда сарсон юрган ҳамюртларимиз кўз олдингиздан бирма бир ўта бошлайди. Демак, хангомадан мурод чумоли саргузашти воситасида инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш экан.

Шоирнинг чумолини ўз қавмига қайтаришга уриниши ҳам айтиш мумкин анча ҳайтий ва кип-қизил ибрат. Буни ўкиб, элчихона ва мутасадди кишиларнинг юзлаб ҳамюртларимизни оила бағрига қайтаришга кўшган ҳиссалари ҳаёдан ўтади. Алҳосил, шоирнинг “Чумолига ҳазил” ҳажвияси инсонпарварлик ва ватанпарварликнинг ўзига хос намунаси экан.

С.Саййиднинг “Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди” номли китоби (2014) анча салмоқдор. Жами етти фаслдан иборат. Қизиғи шуки, бу китоб биз олдимизга кўндаланг қўйган илмий даъволарнинг барчасига тўла тўқис жавоб беради. Унда анъана ва ўзига хослик, издошлик ва ворисийлик, таъсир ва ўзаро таъсир, сатира ва юмор элементлари – ҳамма ҳаммаси рисоладагидек мужассам. С.Саййид бемаънилик деб ҳисобласа керак, модернча шеър ёзишни сира хоҳламайди.

“Умр ва айём фардлари”да умрнинг ғаниматлиги, вақтни исроф қилмаслик, фойдали юмуш билан шугулланишга даъват этилади. Умуман шоир ижодида вақт фалсафасига кўп урғу берилади:

*Умр недир? Кеча ўтди. Эртани қўй, кул бугун,
Бахт недир? Ул бугундир, ул бугундир, ул бугун.*

Қуйидаги иккиликда ҳар нарсадан норизо бўладиган ношудлар ҳақида сўз боради:

*Рози бўлғайсизми, дерди, кекса устоз кўзда нам,
Мендин ўзга барчангиз ҳазрат Навоийсиз десам?*

Қуйидаги фард мазмуни беихтиёр Умар Хайёмнинг “Ҳеч ким тушунтириб бера олмади, Келишим кетишим сабаби қайда?” деган мангу саволини эсга туширади:

*Бу ҳаёт базми агар сен бўлмасанг – кам бўлмагай,
Сен агар бу базм аро борсан – у бут ҳам бўлмагай.*

Рўзгор битиклари – шоир сатирик ижодининг ўзига хос саҳифалари. Шоир бу туркум шеърларда рўзгор анжомларининг кундалик ҳаётимиздаги ўрни ҳақида сўз очар экан, оила тинчлиги, рўзгор хотиржамлигидан бир неча кичик хангома тўқийди.

Сирожиддин Саййид ҳажвиялари ҳам ўзига хос бадияти ҳамда миллий жозибаси ила ғоят мафтункордир. Шоир сатираларининг ўзбек адабиёти саҳнасида барқарор яшаш омилларини таъминлаган адабий-эстетик, маънавий, маърифий ва ахлоқий унсурлар шу қадар бисёрки, уларни атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш адабиётшунослар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Адабиётлар

1. Сайид С. Дил фасли. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.
2. Сайид С. Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди. -Тошкент: “Шарк” 2014.
3. Жабборов Н. Замон, мезон, шеърият. -Тошкент: “Ғафур Ғулом”, 2015.
4. Жўракулов У. Назарий поэтика асослари. –Т.: “Ғафур Ғулом”, 2015.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайиднинг сатирик асарлари илмий таҳлил қилинган. Шоирнинг сатирик тип ва образ яратиш маҳорати унинг қатор юмористик асарлари асосида анализ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются сатирические произведения народного поэта Узбекистана Сирожиддина Сайида в свете проблематики традиций и своеобразие.

SUMMARY

This article provides a scientific analysis of the satirical works of the People’s Poet of Uzbekistan Sirojiddin Said. The poet’s satirical type and image-making skills have been analyzed on the basis of a number of his humorous works.

М.ЮСУФ ШЫҒАРМАЛАРЫНДА ТАЛМЕХ УСЫЛЫНЫҢ ҚОЛЛАНЫЛЫҒЫ

А.Прекеева – филология илимлериниң кандидаты

Ўзбекстан мәмлекетлик көркем-өнер хәм мәденият институты

К.Қутлымуратов – ассистент оқытушы

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: талмех санъати, тарих, тарихий шахслар, тарихий асарлар достон, афсона, тарихий амаллар номлари, ер-сув номлари.

Ключевые слова: талмехское искусство, история, исторические личности, исторические произведения, эпос, легенда, названия древних должностей, земель и вод.

Key words: Talmekh art, history, historical figures, historical works, epic poem, legend, names of ancient positions, names of lands and waters.

М.Юсуфтың қосықлары темасы әлўан түрли, сөзлери тартымлы, әпиўайы халыққа түсиникли өзбек тилиниң бай лексикалық қорынан шебер пайдалана алған. Қосықларын қайта-қайта оқысаң да хеш жалықпайсаң, оқыған сайын оқығың келебереди. Шайыр халқымыздың тарийхын терең үйренген хәм шығармаларында өтмиш ўақыяларына көп мүрәжат еткенлигиниң гуўасы боламыз. Ўзбекстан халық шайыры Х.Худайбердиева: М.Юсуф талмех санаатынан шебер пайдаланған – деп баха береді.

Талмех санааты – дегенимиз арабша сөз болып «нәзер салмақ» дегенди аңлатады. Қосықларында даңқлы тарийхый ўақыя, әпсана хәм дәстанлар қаҳарманлары, танымалы тарийхый шахсларға қаратылған сөзи арқалы сүүретленген образды бөрттирип көрсетиўге мейил санаат [1].

Шайырдың шығармаларының көпшилигинде талмех усылынан өнимли пайдаланған. Мысалы, «Ўатаным» қосығында Сулайман, Машраб, Наўайы, Яссаўий, Хожанд Чингиз, Темур Малик, Шырақ, Жалаладдин, Бабур, Алпамыс, Улұғбек Абдулла Қадирий, Усман Насыр, «қаған» хәм «султан» атамалары қолланған. Бул қолланған атамаларды төмендегіше классификациялаўымызға болады.

1. Дәстан хәм әпсана қаҳарманлары: Алпамыс, Шырақ;

2. Танымалы тарийхый шахслар: Сулайман Шынғыс, Темур Малик, Жалаладдин, Муқанна, Наўайы, Бабур, Улұғбек, Яссаўий, Машраб Абдулла Қадирий, Усман Насыр;

3. Ертедегі тарийхый әмел атлары: Қаған, Султан.

«Алпамыс» дәстаны қаҳарманлық, мәртлик ўатансүйиўшилиқ, түрли қәўимлердиң дослығы, мухабат, садықлылық, шаңарақ беккемлигин сөз етиўши қаҳарманлық дәстан болып, өзбек, қазақ, қарақалпақ халықлары арасында кең тарқалған аўызекі әдебияттың жарқын үлгиси.

Шырақ – массагетлер маликасы Тумарис Дараға қарсы гүрес режесин дүзип атырғанда, олардың алдына Шырақ деген атбағар келип, егер хожалығымның тиришилигинен хабар алып турыўына ўәде берилсе, жеке өзи-ақ душпанның қәўпинен қутқарыўға урынатұғын айтады. Сөйтип, қулақ-мурнын кесип дал қарақан бо-

лып, Дараға сақ патшаларынан арыз қылады. Дараның рехими келип оны қасынан қалдырмайды хәм оларды сақлар жасаған жерге баслап бараман дейди. Бирақ Шырақ оларды шөл-қыябанларда қалдырады хәм елин жаўдың тырнағынан аман қутқарады, өзи жаў қолында набыт болады [2]. Соннан баслап әдебиятта шопан унамлы образ есапланады.

Сулайман – бул исим эрамыздан алдыңғы 1 әсирде жасап усы дәўирдегі қүдиретли Израил мәмлекетиниң патшасы болған адамның исми болып, тийкары Шелемо формасына ийе болған, кейин Соломон түринде айтылған (Малая энциклопедия, VIII, 743) араб тилинде бул исим фонетикалық жақтан өзгертилип Сулайман түрине өткен, өзбек тилине сол сеслик дүзиліси менен қабыл қылынған (ЎТИЛ, II-83) [3].

Араблардың хұкимдарлығына қарсы 770-780-жылларда Мауереннахрда оғада үлкен халық көтерилиси болады. Көтерилистиң басшысы Муқанна деген адам еди. Ол басына хәм жүзине көк перде тағып жүрген соң «Муқанна» деп аталған «Нықап бүркенген адам» деген лақап пенен аты шыққан. Оның шын исми Хашем ибн Хақум атлы өнермент болады. Ол Мары қаласы жанындағы Коза аўылында туўылған [4]. Жаўлап алыўшыларға бағынғысы келмеген Муқанна өзін жанып турған тандырға таслап набыт болады.

VII әсирдиң орталарында араблардың мәмлекетимизге атланысы анық түс алады. VIII әсирдиң басларында араблар избе-из Хорезм, Бухара, Самарқанд, Шаш хәм Ферғана жерлерин бойсындырып алады [2].

Жалалатдин – Маўереннахрдың ийелеген соң, монғол жаўынгерлері Балх, Херат Мары, Ғазна қалаларына басып кирди. Бул ўәлаятта Жалалатдин Мангубердиниң қатты қарсылығына ушырайды.

1220-жылы Бухара, Самарқанд, 1221-жылы Ургенч, Термиз қолдан кетти. Хожанд хәкими Темур Малик, Жалалатдин мәртликлері сондай жоқары болыўына қарамастан, баслама қолдан кеткенлиги себепли урыста жеңилиске ушырайды.

Дереклерде жазылыўынша, Жалалатдин грузинлер менен тынышлық тийкарында келисим арқалы монғоларға қарсы гүрескен. 1231-жылы Әзербайжанды ийелеген монғоллар және Жалалатдин қарсылығына ушырайды. Бирақ, тосаттан Жалалатдин 1231-жылы 17-